

**БОШ МИЯ ОЧИҚ ЖАРОХАТИДАН ЮЗ БЕРГАН ЎЛИМ
ХОЛАТЛАРИНИ СУД-ТИББИЙ ТАҲЛИЛИ**



Тожиев Расулжон Манннович - РСТЭИАМ
Тошкент вилоят филиали, суд-тиббий эксперт



Эльмурадов Замонали Эштурдиевич - РСТЭИАМ
Тошкент вилоят филиали, суд-тиббий эксперт

Аннотация. Ушбу мақолада суд-тиббий экспертиза материаллари бўйича бош мия очиқ жароҳатидан юз берган ўлим ҳолатларни суд-тиббий жиҳатдан ўрганиш ва статистик таҳлил натижалари берилган.

Калит сўзлар: суд тиббиёти, суд-тиббий экспертиза, бош мия очиқ жароҳати.

Мавзуни долзарблиги. Жаҳоннинг барча мамлакатларида сўнгги даврда шикастланишларни кўпайиши ва уларнинг таркибида мураккаб жароҳатларни етказилиши билан боғлик ҳолатлар улуши ортаётгалиги кузатилмоқда. Турли шикастланишлар қаторида бош мия жароҳати аҳолини ўлимига ва ногиронлигига олиб келувчи асосий сабаблардан ҳисобланади. Бош мия жароҳати барча травматик жароҳатларни 30-50 фоизини ташкил қиласи. Дунёда бош мия жароҳатида ҳар йили 1,5 миллиондан зиёд киши ҳалок бўлади ва 2,4 миллиондан ортиқ киши ногирон бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотини (ЖССТ) маълумотига кўра, бош мия жароҳатини учраши ҳар 10000 аҳолига 1,8-5,4 ҳолат тўғри келади ва бу кўрсаткич йилга ўртacha 2 фоизга ошиб бормоқда. Жароҳатланганларнинг кўпчилигини аҳолини меҳнатга лаёқатли қисми - ёшлар ва ўрта ёшдагилар ташкил этиши турли соҳа (хукуқшунослар, иқтисодчилар, тиббиёт ходимлари ва х.к.з) мутахассисларида бирдек ташвиш уйғотади ва хозирги қуннинг долзарб мавзуси ҳисобланади [1, 2, 4, 5, 6, 7, 8, 10, 11].

Тадқиқотнинг мақсади. Суд-тиббий экспертиза материаллари бўйича бош мия очиқ жароҳатларидан юз берган ўлим ҳолатларни ўрганиш ва статистик таҳлил қилиш йўли билан унга суд-тиббий баҳо бериш.

Текширув натижалари ва муҳокамаси. Турли хил шикастланишлар

оқибатида олинган бош мия очиқ жароҳатларидан юз берган ўлим ҳолатлар аниқлаш мақсадида Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази (РСТЭИАМ) Тошкент вилоят филиали Зангиота туман бўлимида 2018-2022 йилларда мурдага оид ўтказилган эксперт хуносалари ўрганилди.

Таҳлил натижаларига кўра, 2018-2022 йиллар давомида жами 1167 та мурдага оид суд-тиббий экспертизалар ўтказилган. Жами экспертизаларнинг 649 таси (55,6%) зўраки ўлим ҳолатлари бўйича ўтказилган, улардан 112 тасида (17,3%) ўлим бош мия очиқ жароҳатидан юз берганлиги қайд этилган. Бош мия очиқ жароҳатидан юз берган ўлимни 77 таси (68,8%) йўл-транспорт ходисалар оқибатида; 18 таси (16,1%) баландликдан йиқилиш оқибатида, 6 таси (5,4%) ўтмас қаттиқ жисмлар таъсиридан ва 3 таси (2,7%) рельс травмаси оқибатида келиб чиқкан. Бош мия очиқ жароҳатидан ўлим ҳолатлари 97 таси (86,6%) эркакларда ва 15 (13,4%) таси аёлларда кузатилган ҳамда вафот этганларнинг кўпчилигини аҳолини меҳнатга лаёқатли қисми, яъни 30-45 ёшдагилар ташкил этган.

Юқоридаги маълумотларга кўра, охирги 5 йил давомида бош мия очиқ жароҳатидан юз берган ўлим ҳолатларини кўпчили (68,8%) йўл-транспорт ходисалар оқибатида келиб чиққанлиги аниқланди.

Хуроса. Юқоридагилардан келиб чиқиб, йўл-транспорт ҳодисасидан жароҳатланиш оқибатида ўлим билан боғлиқ нохуш ҳолатларини олдини олиш мақсадида, ушбу ҳолатларни вужудга келишида аҳамиятли бўлган омиллар (пиёдалар йўлнинг белгиланмаган жойидан ўтиши, белгиланган тезликка риоя қилмаслик, велосипед йўлаклари ташкил этилмагани, автомобилни маст ҳолатда бошқариш, хавфсизлик камаридан фойдаланмаслик, техник носоз автомобилнинг бошқариш ва х.к.з)ни ўрганиш ва уларни бартараф қилишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда йўл-транспорти травматизми бўйича мактабларда, олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларида, махаллаларда ва корхоналарда мунтазам тарзда кенг тушунтириш ишларини олиб боришда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан бир қаторда тибиёт ходимларининг ҳам иштироки муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар.

1. Алишев А.Ж. Некоторые вопросы патогенеза субдуральной гематомы в судебно-медицинской практике //Наука и здравоохранение, 2013. - №4. - С. 68-70.
2. Бахриев И.И., Лочинов Ф.Н. Осмотр и судебно-медицинское исследование трупа //Учебное пособие. Ташкент, 2023.
3. Васильева Е.Б., Талыпов А.Э., Петриков С.С. Особенности клинического течения черепно-мозговой травмы при различных видах повреждения головного

мозга. //Журнал им. Н.В.Склифосовского «Неотложная медицинская помощь». 2019. - №8(3). - С. 295-301.

4. Фиёсов З.А. Суд тиббиёти //Тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. - Тошкент, “Global Books” нашриёти, 2018.

5. Каримов Р.Х., Марянина Ю.В. Причины летальной черепно-мозговой травмы в различных возрастных группах населения г. Казани //Материалы Всеросс. науч. - практ. конф. - Казань, 2004.- С. 76-77.

6. Ковалев А.В. и соавт. Структура смертельной механической травмы в России Журнал Судебно-медицинская экспертиза. №2, 2019, С.14-18

7. Козлов С.А. Закрытая черепно-мозговая травма у ребенка, причиненная падением массивного предмета на тело. //Журнал Судебная медицина. 2019. - №1, - С. 91-92.

8. Колесников А.О. Судебно-медицинская оценка переломов костей свода черепа при ударных воздействиях в зависимости от их анатомических особенностей и характера травмирующего предмета. //Автореф. канд. мед. наук, 2002.

9. Попов В.Л. Судебно-медицинская оценка роли травмы и патологии в происхождении базальных субарахноидальных кровоизлияний //Судебно-медицинская экспертиза. 2013. – № 3. – С. 12-17.

10. Сарсенов Т.К. Судебно-медицинская оценка черепно-мозговой травмы в судебной медицине. //Наука и здравоохранение, 2013, - №4, - С. 66-68.

11. Судебная медицина: национальное руководство /под ред. Ю.И.Пиголкина. - М.: ГЭОТАР-Медиа, 2018.